

UDK 94 (575.1)

## TURKISTON O'LKASIDA YASHAGAN TURKIY XALQLAR VA ULARNING ETNIK TARKIBI

Safarov Tolib Todjievich

“TIQXMMI” Milliy tadqiqot universiteti Buxoro tabiiy resurslarni boshqarish institutining Ijtimoiy gumanitar fanlar va jismoniy madaniyat kafedrasi Dotsenti

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada Turkiston o'lkasida yashgan turkiy xalqlarning etnik tarkibi, ular o'rtasidagi urug' qabila munosabatlari hamda urf-odatlariga oid ayrim munosabatlar haqida mulohaza yuritilgan.

**Kalit so'zlar:** Qora-qirg'izlar, CHingizxon, SHayboniyxon, turkiylar, qipchoqlar, qirg'izlar, qoraqalpoqlar, evreylar.

**Аннотация:** В данной статье рассматривается этнический состав тюркских народов, проживавших в Туркестане, их родо-племенные отношения, а также некоторые отношения, связанные с их обычаями.

**Ключевые слова:** Кара-киргизы, Чингисхан, Шейбанихан, тюрки, кыпчаки, киргизы, каракалпаки, евреи.

**Abstract:** This article discusses the ethnic composition of the Turkic peoples who lived in Turkestan, their clan-tribe relations, and some relations related to their customs.

**Key words:** Kara-Kyrgyz, Genghis Khan, Sheibani Khan, Turks, Kypchaks, Kirghiz, Karakalpaks, Jews.

Россия империясининг Туркистон ўлкасига амлга оширган истилочилик юришлари арафасида бу ерда яшаётган халқлар уларнинг этногенези, ижтимоий аҳволи, қасбу-кори, маданияти ҳамда ўлка этно-сиёсий жараёнлардаги иштироки масалалари тадқиқотчиларнинг доимий қизиқиши марказида бўлиб келган. Туркистон ўлкасининг Чимкент, Авлиё-Ота, Тўқмоқ, Жамбул, Тошкент, Хўжанд, Ўратепа, Жиззах ва Самарқанд сингари шаҳарлари ҳосилдор дехқончилик ҳудудлари бўлганлиги учун ҳам бу ерларда қадимдан ўтроқ дехқончилик маданияти шаклланган. Туркистон ўлкасида кўчманчи ҳамда ўтроқ аҳолининг умумий сони 1300000 кишидан иборат эканлиги қайд этилган. Аммо бу рақам гарчи расмий дейилсада ҳақиқатдан йироқ эканлигини тадқиқотчи қайд этиб ўтади[1].

Қирғизлар Туркистон генерал губернаторлигининг кўчманчи аҳолиси ҳисобланиб, Ураль ҳамда Каспий денгизи, кўчманчи Туркманлар, Амударё, Тян-Шан ва Сибир ҳудудларигача чўзилган майдонларда истиқомат қилганлар. Тян-Шан тоғларида эса Қорақирғиз номи билан танилган уруғлар яшаган. Руслар томонидан Қирғиз этноними чўл ҳудудида юқорида эслатилган жуғрофий кенгликларда яшаганларга нисбатан ишлатилган[2]. Ваҳоланки бу ҳудудларда бошқа кўчманчи халқлар ҳам истиқомат қилган. Яна бир қизиқ ҳолат борки Қирғизларнинг айrim уруғларининг юз кўриниши мўғулларга яқин бўлса, ўлканинг шимолий, марказий

қисмларида яшовчи уруғларда кавказликларга хос юз тузилишига эга. Бундан ташқари шимолда яшовчи қирғизлар паст бўйли, жанубдагилар узун бўйли, чиройли юзли ҳамда кўркам эканлига қайд этилган. Қирғизлар ўзларини қозоқ деб аташган. А. Вамберининг маълумотига қараганда қирғиз этнонимининг маъноси икки сўздан иборат бўлиб дала бўйлаб саёҳат қилиш деган маънони билдиради. Шунинг учун қирғиз атамаси туркийда кенг далалар бўйлаб юрувчи одам ёки кўчманчилик турмуш тарзини кечирувчи Ўрта Осиё ҳалқларига нисбатан ишлатилган[3].

Чўлда яшовчи Қирғизлар Катта, Ўрта ва Кичик жузга бўлинган. Ушбу бўлиниш Чингизхон империяси бўлингандан кейин Қирғиз подшоси Ўрисхон чўлларда яшовчи ҳалқларни Ийсун, Арғин ва Алчин номли учта ўғлига бўлиб берган. Жузларларнинг эгаллаган кўчманчилик ҳудудлари баъзида ўзаро келишув билан айrim холларда душман ҳужумлари натижасида ўзгариб турган. Жузлар уруғларга, уруғлар эса авлодлар ҳамда овулларга бўлинган. Бундан ташқари Қирғизларда зодагонлик келиб чиқиши сақланган бўлиб унга кўра сultonлар ва оқсуяклар ўзларини Чингизхоннинг эвараси Шайбонийга боғлаганлар. Кўчманчи қирғизлар ислом эътиқод дини ҳисобланиб, Оллох томонидан буюрилган барча диний маросимларни тўлақонли бажарганлар[4].

Кўчманчилик ҳаётига мутаносиб Қирғизларнинг турмуш тарзи мос равишда шаклланган бўлиб, ёз ойларида ўтовларда истиқомат қилганлар.

Ёзнинг иссиқ кунларида ўтовларни иссиқдан ҳимоя қилиш мақсадида унинг атрофи қамишдан маҳсус тайёрланган чиф билан ёпилган. Ўтовнинг ўртасида олов ёқиладиган маҳсус жой тайёрланган, унинг деворлари бўйлаб сандуқлар ва гиламлар тўшалган. Уларнинг қишлоғ жойлари эса сомон қўшиб қилинган лой сувалган уйлардан иборат бўлиб, аксарият қўчмачи Қирғизлар қишида ҳам ўтовларда унинг ички ва ташқи томондан совуққа чидамлилигини ошириб қолишни маъқул кўрадилар[5].

Тоғда яшовчи Қирғизлар яъни Қора-Қирғизлар номи билан ҳам манбаларда қайд этилган қабилалар чўл ҳудудларида истиқомат қиладиган қабилалардан кескин фарқ қилган. Аммо Қўқон ҳамда Хитой Туркистони ўртасидаги тоғли ерларда кўчманчилик ҳаёт тарзини олиб борадиган уруғ ўзини Қирғиз деб атайди. Ўн тўрт уруғга бўлинган Қора-Қирғизлар ичida Сари-Боғиши, Боғу ва Султ номлари билан аталувчи уруғлар энг машҳур ҳисобланади. Сари-Боғиши уруғи ағолиси ун минг ўтовдан иборат бўлиб, юз минг бош отга эгалик қилган[6]. Боғу уруғи ҳам ўн минг ўтовдан иборат бўлган. Султ уруғи нисбатан кам сонли олти минг ўтовдан иборат бўлиб, аммо жуда жангари қабила ҳисобланган. Қора-Қирғиз қабилаларида зодагонлик, сulton уруғига мансублик бўлмаган шундан уларнинг номланиши ҳам шу тахлитда шаклланган. Уларни бошқаришда манноплар ва оқсоқолларнинг таъсири кучли бўлган. Қадимий одатлар асосида жиноят содир этганлар жазоланган. Қабилавий муносабатларда манноплар чекланмаган ҳокимиятга эга бўлган. Оренбург чўлидан жанубий-фарбда Устюрт бўйлаб Каспий денгизининг шарқий қирғозида

Туркманлар, Сирдарё бўйларида жуда кам сонли Қорақолпоқлар истиқомат қилган[7].

Туркистон ўлкасининг ва умуман Ўрта Осиё, Хивадан Қўқонгача чўзилган улкан ҳудудда ўзбеклар яшаган. Сирдарёдан жанубда яшайдиган ўтроқ аҳоли ўзини тоҷик деб атаган. Тоҷик аҳолисининг асосий маркази Ҳўжанд шаҳри ҳисобланган. Туркий халқлар билан амалга оширилган доимий алоқалар тоҷикларнинг сўзлашувида туркий атамаларнинг форсий талафузи устунлик қила бошлаган. Ўзбеклар чиройли халқ, ақлли, баъзида жуда аййёр лекин умумий тасаввурда самимий ва одил. Бундан ташқари улар савдо ва саноат ишларида ўта тадбирли, шунинг учун бўлса керак Тошкент ва Туркистон ўлкасининг бошқа шаҳарлари билан олиб бориладиган савдо алоқаларида улар кўпчиликни ташкил этади[8].

Туркистон ўлкасининг айрим шаҳарларида кам сонли яҳудийлар ҳам истиқомат қиласди. Улар Эрондан кўчиб ўтган бўлиб, эътиборли жиҳатлари, юз тузилиши, миллий кийимлари ва бу халқقا хос майда савдогарликка устаси фаранг эканликлари билан ажралиб турадилар. Россия империяси томонидан Туркистон ўлкасининг истило қилиниши натижасида руслар манфаатини ҳимоя қилишга тайёр кўплаб яҳудий савдогарлари ҳамда саноатчилари ўлканинг турли шаҳарларига келиб жойлашдилар[9].

Қирғиз, ўзбек ва яҳудийлардан ташқари Туркистон ўлкаси шаҳарларида кам сонли форслар, Қўқон ва Бухоро ўзбеклари, афғонлар, ҳиндлар ҳамда қипчоқлар учрайди. Қипчоқлар ўзининг жасурлиги ва тадбиркорлиги билан ажралиб турган, ҳали Тошкент рус қўшинлари томонидан босиб олинмаган даврда уларнинг Қўқон хонлиги ижтимоий-сиёсий ҳаётига жуда катта таъсирга эга бўлганлиги манбаларда қайд этилган[10].

Мухтасар қилиб айтганда Туркистон ўлкасида унинг жуғрофий жойлашувига мутаносиб тарзда туркийларга мансуб халқлар шунингдек турли тарихий жараёнлар масалан истилочилик юришлари туфайли бошқа туркий бўлмаган аҳоли ҳам истиқомат қилган. Юқорида номлари тилга олинган туркий халқлар уларнинг турли уруғ ва авлодларга бўлиниши, ташқи кўринишларидаги фарқлар, аҳоли сонидаги муайян тафовутлар бўлганлиги манбаларда қайд этилган бўлсада, ушбу халқлар ўзаро бир-бирлари билан турли муносабатларни олиб борганлар.

**АДАБИЁТЛАР:**

1. А.Вамбери.Этнографические очерки турецких и иранских племён Средней Азии. Москва.Изд. А.И.Мамонтова. 1868.- С-265.
2. А.К.Райнс. Киргизские очерки. (Из военного сборника) С-113-243.
3. М.Н.Галкин Этнографические материалы по Средней Азии и Оренбургскому краю. С-1-250.
4. Туркестанский сборник. Том №24. Путеводител от Санкт-Петербурга до Ташкента. С-29-88.
5. Туркестанский сборник. Том №30.Военно-статический сборник. С-77-80.
6. Туркестанский сборник.Том № 48.Области Сибирских и Оренбургских киргизов. С-147-206.
7. Туркестанский сборник. Том № 4. Этнографические очерки Средней Азии. С-307-308.